

ҚИЁСЛАШ РАМЗИЙЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ МЕХАНИЗМ СИФАТИДА (ФРАНЦУЗ ШОИРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

С. Қўчқорова¹

Аннотация:

Қиёслаш дунёни идрок қилиш ва лисоний ифода этишда асосий воситалардан ҳисобланади. Ушбу тезисда француз шоирлари ижоди намуналарида зооморф қиёслашларнинг семантик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: кўчимлар, метафора, ўхшатиш, дунёнинг лисоний тасвири, зооморф қиёслашлар.

doi: <https://doi.org/10.2024/dthgs387>

Қиёслаш дунёқарашни шакллантириш ва талқин қилишда муҳим механизм сифатида пайдо бўлади, билим ва воқеликни тил орқали ифодалашда муҳим рол ўйнайди. У мавжуд ўхшашликларни белгилабгина қолмай, балки шахсга ўзидаги билим ва аввалроқ вужудга келган ассоциациялар асосида объектларга нисбат беришга имкон яратади. Қиёслаш барча тил ва маданиятларда мавжуд бўлиб, дунёнинг лисоний тасвирига асос бўлиб хизмат қилади. У нутқ эгаларига атроф-муҳитни қабул қилиш, таснифлаш ва талқин қилишда ёрдам беради ҳамда турли миллатларга хос бўлган идрокни намуналарини акс эттириб, тасвирларнинг ҳиссий ва баҳоловчи характерини таъкидлайди.

Бир қатор олимлар[1] (М. Блэк, С. Глюкберг, К. Девидсон, Дж. Кейсер, А. Усуми) кўчимлар орасида ўхшатиш ва метафорани таққослайдилар. Олимларнинг нуқтаи назари бўйича, ўхшатиш метафорадан когнитив ва дискурсив жиҳатдан фарқланади, шу билан бирга улар ўзаро боғлиқдир: метафора синтетик ҳамда кўп сўзли семантикага эга бўлган объектларни солиштириш жараёнида икки хил маъно бир вақтнинг ўзида англанишини таъминлайди. Ўхшатиш эса бир вақтда бўлиб ўтаётган икки хил жараённи бирлаштиради, лекин бу жараёнда субъект ва унга таққосланаётган объект ҳам ўз оригиналлиги ва мустақиллигини сақлаб қолади.

Тилшуносликда, одатда, қиёслашнинг мақсадидан келиб чиқиб, унинг икки тури фарқланади. Агар икки предмет ёки тушунча улар ўртасидаги фарқни кўрсатиш мақсадида қиёсланган бўлса, соф қиёсий конструкция шаклланади (масалан, ер тошдан қаттиқ), қиёслаш ўхшатиш мақсадини кўзда тутганда эса ўхшатиш конструкцияси шаклланади (масалан, ер тошдай қаттиқ). Демак, икки нарса ўртасида қиёсий ўхшатиш амалга оширилган бир объектнинг хусусияти бошқа бир объектга ўхшатилади [2].

Адабиётда, жумладан шеъриятда, ўхшатишдан фойдаланиш турли ассоциациялар орқали масалан, қахрамон, унинг ҳолати ёки бирор вазиятни чуқурроқ тасаввур қилиш имконини берадики, бу матнни тўлиқ англашга хизмат қилади. В.Гюго, А.Ламартини, П.Валери, П. Верлен, Ш.Бодлер ва П.Элуар каби француз шоирлари ижодида зооморф қиёслашлар таҳлили жараёнида қуйидаги семантик маъно англатувчи бирликларни кузатдик:

¹ Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна, СамДЧТИ докторанти

ташқи кўринишга қиёслаш: Son oeil parfois s'ouvrait comme l'oeil d'un vieil aigle ; Son front de marbre avait l'air fait pour le laurier ! (HUGO)

жисмоний хусусиятларга қиёслаш: L'orfraie aux paupières vermeilles, Le serpent, le singe méchant, Siffient comme un essaim d'abeilles (HUGO); Si notre amour est ce qu'il est C'est qu'il a franchi ses limites Il voulait passer sous la haie Comme un serpent et gagner l'air (ELUARD); Comme l'aigle régissant dans un ciel solitaire, Tu n'avais qu'un regard pour mesurer la terre, Et des serres pour l'embrasser ! (LAMARTINE); Sa mère était la vieille maugrabine D'Antequera Qui chaque nuit criait dans la Tour-Magne Comme un hibou ... (HUGO); Tout simplement des nuages Qui crèvent comme des chiens Des chiens qui disparaissent Au fil de l'eau sur Brest (JP); Et les poteaux télégraphiques s'énamourent, Ils bandent comme un cerf vers le beau ciel serein. (GA);

хулқ-атвор хусусиятларига қиёслаш: Dis, crains-tu les filles de Grèce? Les lys pLamartinees de Damanhour? Ou l'œil ardent de la négresse Qui, comme une jeune tigresse. Bondit rugissante d'amour? (HUGO); Lamartineors gloire au vainqueur ! Son grappin noir s'abat Sur la nef qu'il foudroie ; Tel un aigle puissant pose, après le combat, Son ongle sur sa proie (HUGO); Le Destin charmé suit tes jupons comme un chien (Baudelaire);

ҳаёт тарзига қиёслаш: Il semble que sur moi, secouant son linceul, Se soit soudain penché le noir vieillard Décembre; Comme un loup dans son trou, je rentre dans ma chambre (HUGO); C'est qu'hélas ! le hideux cauchemar qui me hante N'a pas de trêve et va furieux, fou, jLamartineoux, Se multipliant comme un cortège de loups (Verlaine); Mais, comme un taureau dans la plaine, Vous traînez après vous la chaîne (LAMARTINE); Quand la terre est changée en un cachot humide, Où l'Espérance, comme une chauve-souris, S'en va battant les murs de son aile timide Et se cognant la tête à des plafonds pourris (Baudelaire); Me voilà libre et solitaire ! Je serai ce soir ivre mort ; Lamartineors, sans peur et sans remords, Je me coucherai sur la terre, Et je dormirai comme un chien ! (Baudelaire);

маълум вазиятлардаги ҳолат ва хатти-ҳаракатларга қиёслаш: Les yeux fixés sur moi, comme un tigre dompté, D'un air vague et rêveur elle essayait des poses (Baudelaire); Car vraiment j'ai souffert beaucoup ! Débusqué, traqué comme un loup Qui n'en peut plus d'errer en chasse Du bon repos, du sûr abri (Verlaine) ; Je t'ai prise contre ma poitrine comme une colombe qu'une petite fille étouffe sans le savoir (GA); Et les soucis que vous pouvez avoir sont comme Des hirondelles sur un ciel d'après-midi (Verlaine); Mon âme aux justes dieux ! ma vie à Mélitus, Comme au chien dévorant qui sur le seuil aboie, En quittant le festin, on jette aussi sa proie ! (LAMARTINE)

Шундай қилиб, қиёслаш дунё хусусидаги мавжуд тасвирларни мустаҳкамловчи кучли билим воситаси бўлибгина қолмай, янги тасвирларни фаол равишда шакллантиришга ҳисса қўшади. У тил, маданият ва воқеликни индивидуал идроки жараёни боғловчиси сифатида хизмат қилади ҳамда турли халқлар маданияти хилма-хиллигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Миронова Н. Д. Сущность понятия «Сравнение» в интерпретации отечественных и зарубежных исследователей и способы его образования. <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-ponyatiya-sravnenie-v-interpretatsii-otechestvennyh-i-zarubezhnyh-issledovateley-i-sposoby-ego-obrazovaniya>

[2]. Сабиров, М. (2022). Ўхшатишларни таржима қилиш хусусиятлари. Переводоведение: проблемы, решения и перспективы, (1), 91–93. https://inlibrary.uz/index.php/translation_studies/article/view/6010

[3]. Сайфитдинова М.Р. Особенности использования стилистического приёма сравнения в художественных текстах.

- [4]. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-ispolzovaniya-stilisticheskogo-priyoma-sravneniya-v-hudozhestvennyh-tekstah>
- [5]. Шомақсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси.Т: «Ўқитувчи», 1983, 246 б.
- [6]. Мамажонов, А., & Абдуллаев, А. (2023). Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида. *Farg'ona Davlat Universiteti*, (4), 115-119. Retrieved from <https://journLamartine.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/748>
- [7]. Француз шоирлари асарлари